**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ**

**«ГЕОЛОГИЯ ВА КОНЧИЛИК» ФАКЎЛЬТЕТИ**
**“АТРОФ МУҲИТ ҲИМОЯСИ ВА ЭКОЛОГИЯ” КАФЕДРАСИ**

**5630100-Экология ва атроф муҳит мухофазаси таълим йўналиши талабаси Жумаева Муяссар Дўстмудовна**

# БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**Мавзу: «Қашқадарё вилояти қуйи сув хўжалик раёнида табиий саноат тизимларининг экологик муҳитини баҳолаш ва экомаршрутларни ишлаб чиқиш».**

Илмий раҳбар: тех.фан.док.проф в.б Мурадов Ш.О.

Ишни бажарувчи: Жумаева М.Д.

“Ҳимояга рухсат этилди”
Кафедра мудири в.б.:
_______ доц.Холбаев Б.М.

«__» ___________ 2017 йил

«Ҳимоя учун ДАКга юборилди»
Факўльтет декани:
________ доц. Рахматов М.И.

«___» ______________2017 йил

Қарши – 2017 йил

**М У Н Д А Р И Ж А**

Кириш

**I. Умумий қисм**

1.1 Қашқадарё вилоятининг табиий саноат тизимининг ҳолати.

1.2 Туризм-иқтисодий тараққиёт омили

1.3 Қуйи табиий саноат тизими (Қарши Косон-Нишон-Муборак-Касби-Миришкор туманлари)

**2. Асосий қисм**

2.1 Қашқадарё вилоятининг табиий-саноат тизимларининг умумий тавсифи ва унинг ҳудудий тузилмаси

2.2 Қашқадарё вилоятининг табиий-саноат тизимларида харитаси бўйича биринчи экомаршрутни ишлаб чиқиш (1 машрут).

2.3 Қашқадарё вилоятида экотуризимни табиий-саноат мажмуалар асосида ишлаб чиқиш

2.4 Жанубий табиий-саноат мажмуасидаги экомашрут

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар

# КИРИШ

Саёҳат инсон тафаккури ва дунёқарашини кенгайтиради. (Мутафаккирлар бисотидан).

“Туризим” ва “Турист” сўзлари илмий адабиётида XVIII аср охирларида пайдо бўлган. У французча “тоур” – саёҳат сўзидан келиб чиққан.

Биринчи марта Буюк Британиядаги ёшлар континенга ўқишга кетган вақтидан бошлаб қўлланилган. Аниқроғи бундай саёҳат “гранд тоур” деб аталган, саёҳатчиларни сайёҳлар деб ташган.

Кенгроқ тушунча сифатида асосан “туризм” тушунчаси турган жойидан ташқарига чиқиш, гўзал жойларни, тарихий ўлкаларни янги шаҳар архитектура, ландшафт, релеф, иқлим ранг-баранглигини кўришдир. Бунинг ҳаммаси аҳолининг табиат қўйнига вақтинча миграциясига сабаб бўлади ва бу чиқишлар борган сари кенг кўламда амалга ошмоқда.

Мавзунинг долзарблиги. Жаҳон ҳам жамияти томонидан умум эътироф этилаётган масалалардан бири маҳаллий миллий, регионал ва глобал миқёсда барқарор ривожланишга эришишдир. Прездентимиз Ислом Каримов “Ўзбекистоннинг дам олиш ва саломатликни тиклаш имкониятлари саёҳат маршрутларининг хилма-хил турларини ташкил этишга ва сайёҳатчиларни бутун йил давомида қабул қилишга шароит яратади” деган эди. Шунингдек 2006-йил 17-апрелда “Ўзбекистон Республикасининг 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги прездент қарори қабул қилинди.

2007 йил 25-апрелда эса Ислом Каримовнинг Сингапурга қилган давлат ташрифидан аввал унинг “Тодай”газетасига берган интирвюсига “гўзал географик ва табиий шароитлар республика ҳудудида экологик туризимни ривожлантириш учун ғоят қулайдир...” деб бежиз айтмаганлар.

Туризим айниқса экологик туризм (экотуризм)нинг аҳамияти беқиёс эканлиги амалда исботланган. Туризм индустрияси ўзига катта сармоя ва ресурсларни мужассамлаштириши билан бир қаторда давлат ва жамият учун

зарурбўлган мрифий-маънавий функсияларни бажарувчи иқтисодиёт тармоғидир.

Экотуризм орқали чет эллик меҳмонлар Ўзбекистон деган юрт ҳамда унинг бой ва бетакрор табиати ҳақидаги тассавурга эга бўлсалар, фуқаролар эса ўз Ватанини билан яқиндан танишадилар.

Туризм орқали уларда она юртига нисбатан миллий ифтихор ҳамда ғурур туйғусини шакллантириш имконияти туғилади. Ушбу ижобий функсияларни юзага келтириш учун илмий асосланган экотуристик таълим ва тарбияни йўлга қўйиш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бири саналади.

Тадқиқот мақсади. Ушбу малакавий битирув ишини ёзишдан мақсад ҳозирги ва келажак авлодларнинг экологик хавфсизлиги ва барқарор ривожланишини таъминлаш учун Қашқадарё вилояти табиатидан экотуристик йўналишларда оқилона фойдаланиш уни қайта тиклаш ва муҳофаза қилиш табиатни муҳофаза қилиш соҳасида маҳаллий аҳолининг тадбирларини ишлаб чиқиш шунингдек экотуризм соҳасида  кичик безнисни ривожлантириш анъанавий касблар ва касаначилик маҳсулотларни етиштириш ишлаб чиқариш миллий боғлар ва қўриқхоналарга амалий ёрдам бериш санитар экологик акцияларни ташкил этиш ва ўтказишдан иборат.

Тадқиқот объекти. Жанубий Қашқадарё вилоятида жойлашган табиат ёдгорликлари қўриқхоналар, саҳролар, чўллар, тарихий обидалар ва бошқалар.

Ишнинг илмий янгилиги. Жанубий Қашқадарё табиатни экотуристик имкониятларини ўрганилди ва уларнинг биологик хилма-хиллигига қизиқиш уйғотишга ҳаракат қилинди.

Экотуризм объектларинининг жойлашган ўрни ва машрутлари аниқ кўрсатилиб берилди, ҳамда ҳудудда экотуризимни ривожлантиришга доир таклиф ва амалий тавсиялар берилди.

Ишнинг асосий натижалари – Жанубий Қашқадарё табиатидан экотуристик мақсадларда фойдаланишни жорий этиш мақсадида баъзи бир ҳудудларга сайёҳатлар уюштириш таклифлари ишлаб чиқилди.

**Умумий қисм.**

## 1.1. Қашқадарё вилоятининг табиий саноат тизимларининг ҳолати.

Қашқадарё вилояти Ўзбекистон Республикаси саноати маҳсулотининг 15,7% ини беради. Бу ерда ҳусусан, ёқилғилғи энергетика ва енгил саноат яхшироқ ривожланган (85,6%). Масалан, вилоят мамлакатнинг 1/3 қисмидан ортиқроқ ёқилғи саноати ҳамда 12% пахта тозалаш саноатимаҳсулотини таъминлайди. Вилоят саноатнинг ички тузилишида ҳам айнан ана шу тармоқлар етакчилик қилади, ёқилғи саноатининг улуши (маҳсулот қиймати бўйича) 56,4%, енгил саноат 18,1% озиқ-овқат 9,2%, ун, крупа, омухта ем саноати – 7,1%.

Айни вақтда саноатнинг бошқа тармоқлари масалан машинасозлик суст ривожланган.

Яқин келажакда кимё ва электр энергетика саноати мавқунинг анча кўтарилиши кутилмоқда. Ҳозирги даврда вилоятнинг электр энергетикаси Муборак марказлашган иссиқлик электр станциясига, ҳамда қурилаётган мамлакатда энг йирик Талимаржон ИЕС га асосланади. 2005-йилда саноат маҳсулоти 3,4% га кўпайди.

Бир йилда тахминан 0,5 млн. квт/с электр энергияси, 3,8-4,3 млн.т нефт, 3,5 млн тонна тонна атрофида газ конденсади 300 минг тоннага яқин олтингугурт, 5,2 млн ип-газлама, 110 минг тонна пахта толаси 20 минг тоннадан зиёдроқ ўсимлик ёғи, 75 млн шартли банка консерва ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

Нисбий кўрсаткичларда ҳисоблаганда Қашқадарёга Ўзбекистонда қазиб олинадиган нефтнинг (газ конденсати билан бирга) 95% табиий газнинг 92% ва олтингугуртнинг деярли 100% и тўғри келади.

Саноатнинг ҳудудий ташкил этилишида Қарши, Шаҳрисабз туманлари катта аҳамиятга эга. Шу билан бирга Муборак (ИЭМ, газ кимё мажмуаси), Косон (ёғ-экстракт, пахта тозалаш, ғишт заводи), Шўртан (газ кимё), Талимаржон (ИЭС), Қўқ думалоқ (нефт саноати), Чироқчи (консерва заводи) ва бошқа саноат пунктларнинг ахамияти хам ошиб бормоқда. Қарши ва Қамашида

тўқимачилик корхоналари Шахрисабзда консерва, ипакчилик аксарият туман марказларида пахта тозалаш заводлари мавжуд.

Жами саноат махсулотининг 27% вилоят маркази Қарши шахрига тўғри келади.

Муборак туманида саноат мужассамлашув кўрсаткичи бўндан хам юқори 52% демак ушбу туман вилоят саноат махсулотининг ярмидан кўпроғини беради. Миришкор туманларида саноат нихоятда суст ривожланган. Ушбу муаммо жумладан Ғузор, Китоб, Чироқчи, Нишон ва Қамаши туманларига хам таълуқлидир.

Саноат-миллий иқтисодиётнинг мухим тармоғидир. Шу сабабли хам хар доим саноатни ривожлантириш уни худудий жихатдан оқилона жойлаштиришга катта этибор берилади.

Хозирги вақтда вилоятда 100 дан ортиқ йирик корхоналар бор. Шулар орасида табий газ қазиб олиш ва уни қайта ишлаш пахта тозалаш мой экстракция қурилиш материаллари, тикувчилик ва кўплаб озиқ-овқат корхоналарини кўрсатиш мумкин.

Қашқадарё вилоятида саноат ишлаб чиқаришнинг ўсиши билан унинг тизимида ҳам катта ўзгаришлар юз берди.

Хозирги вақтда вилоят саноат тармоқлри орасида газ ва нефт қазиб чиқариш табий газни қайта ишлаш натижасида олтингугурт ишлаб чиқариш, пахта тозалаш, ўсимлик мойи ва консерва ишлаб чиқариш етакчи тармоқларидир. Саноатнинг бу тармоқларининг салмоғи бутун вилоятда ишлаб чиқариладиган ялпи сноат махсулотларининг 75% ни ташкил этади.

Вилоятда саноат махсулоти ишлб чиқариш 70 йиллардан бошлаб анча катта захирага эга бўлган газ ва нефт конларининг фойдаланишга топширилиши хамда қарши чўлида қуруқ ерларнинг ўзлаштирилиши муносабати билан тез ўсди. 1970-1990 йилларда саноат ялпи махсулоти ишлаб чиқариш 3.6 марта ўсган холда қашқадарёда 5.2 марта ўсди.

1995-2005 йилларда саноат тармоқлари ичида табий газ ва нефт қазиб чиқариш газни қайта ишлаш енгил ва озиқ-овқат саноати тез ривожланти шу давр ичида муборак газни қайта ишлаш заводининг қуввати оширилди.

Шуртангаз комплекси ишга туширилди китобда ипак йигирувчи фабрикаси бахористонда қарши туқув фабрикасининг филиаллари фойдаланишга

Топширилди. Шу даврда Қарши гушт комбинати Косон ўсимлик мойи ишлаб чиқариш ва бир қанча пахта тозалаш корхоналарининг кувати оширилди Қарши чулидги туманларда янги пахта тозалаш корхоналари бунёд этилди. 1995-2005 йилларда 4 милярд 804 милён ўсимлик саноат махсулотлари ишлаб чиқарилди ёқилғи сноати вилоят саноатининг мухим тармоғи бўлиб нефт ва газ қазиб олиш хамда газни қайти ишлаш сохаларини ўз ичига олади.

Вилоятда газ саноатининг вужудга келиши ва ривожланиши ўзбекистон ёқилғи энергетика базасини мустахкамлашга имконият яратади

Қашқадарё вилоятида газ ва нефт қазиб олиш 60 йилларда бошланди 1990 йилда вилоятда 164.2 милён м$^3$ газ 29 минг тонна нефт қазиб олинган бўлса 1994 йили 3232 милён м$^3$ газ, 334 минг тонна нефт 2005 йилда эса 38.9 милярд газ, 775.8 минг тонна нефт ва 1520.1 минг тонна конденсат олинди.

Қашқадарёда қазиб олинадиган газнинг асосий қисми қувурлар орқали вилоятдан ташқарида жойлашган истеъмолчиларга етказиб берилмоқда. Умуман Қашқадарё вилояти газ саноатининг истиқболи анча порлоқ чунки ҳозирги пайтда вилоят ҳудудида ўндан ортиқ газ конлари топилгпн бк ерда топилган газ конлари конденсатли бўлиб, тозалашни талаб этади. Шу мақсадда 1972 йилда Муборак газни қайта ишлаш заводи қурилди. Ҳозирги кунда бу корхонада 22,1 млрд м$^3$ газни қайта ишлаш натижасида халқ хўжалиги учун зарур бўлган 521,9 минг тонна олтингугурт олинмоқда. Шўртан газнинг қувурлари орқали Тахиатош ГРЕСига етказиб берилиши натижасида ҳар йили четдан 100 минг тонна мазутни олиб келишга чек қўйилди.

1990-2000 йилларда вилоятда газ қазиб олиш тахминан 1,5 марта, нефт 1,7 мартадан кўпроқ ва ёнилғи саноатининг ялпи маҳсулоти 1,5 мртага ўсди.

Қашқадарё вилоятида табиий газнинг саноат захиралари Ўзбекистонда аниқланган газ захираларининг асосий қисмини ташкил этади. Газ конларининг кўпчилигида қимматли кимёвий ҳом-ашё ва енгил нефт маҳсулотлари олиш манбаи бўлган газ конденсати бор.

Қашқадарё вилояти ҳозиргача ўз энергетика қувватига эга. Табиий газ асосида ишлайдиган Талимаржон ГРЕСи ишга туширилган Қашқадарё вилоятининг ёқилғи энергия ресурслари бу ерда йирик саноат корхоналарининг мажмуаларини бунёд этиш ва газ ҳамда газ конденсатини бошқа иқтисодий раёнларга чиқариш имкониятини беради. Таркибида олтингугурт бўлган газни тозалаш мақсадида Шўртанда йирик газ-кимё мажмуаси қурилмоқда ва Муборак газни қайта ишлаш заводи кенгайтирилмоқда.

Машинасозлик ва метални қайта ишлаш саноати оғир саноатининг муҳим тармоғи бўлиб унинг ривожланиши халқ хўжалигининг барча тармоқларида меҳнатни енгиллаштириш мехнат унумдорлигини ҳамда ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Ҳозирги пайтда Қашқадарё вилоятида машинасозлик саноати корхоналаридан Қарши ремонт-тажриба механика, Қарши қишлоқ хўжалиги машиналарни таъмирлаш заводлари ҳамда қишлоқ хўжалик машиналарини таъминлайдиган кичик корхоналар маиший хизмат кўрсатиш вазирлигига қарашли автомашиналарни таъминлаш марказлари мавжуд.

Вилоятда машинасозлик корхоналарининг вужудга келиши ва унинг келажакда ривожланиши хўжаликларида трактор ва автоматик саройларнинг кенгайиши ҳамда уларнинг моддий техника базасинингўсиши билан боғлиқдир.

Қурилиш материаллари саноати таркибига кирадиган асосий корхоналар кейинги 20 йил ичида бунёд этилди. Қарши чўлининг ўзлаштирилиши муносабати билан 60-йиллардан бошлаб, ирригация иншоотларининг қурилиши саноат корхоналарининг уй-жой, маъданий-маиший, объектларининг барпо этилиши кўплаб қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган корхонларни қуришни тақазо этади. Шу билан бирга этиш учун керакли хом-ашё ресурсларининг бўлиши бу масаланинг ҳал этишга объектив замин яратади.

Қурилиш материалларидан мармар, ғишит ишлаб чиқариш учун ҳом-ашёлар, шағал, қум, мергал, гипс заҳиралари мавжуд. Бу ресурслар асосида вилоятда йирик қурилиш индустрияси вужудга келади. Ҳозирги даврда Қарши уй қурилиш материаллари ва конструкциялари комбинатлари, темир-бетон заводлари ишлаб чиқариш керамика ва полимер қувурлари ишлаб чиқарадиган қум ва шағал саралаш корхоналари. Китоб туманидаги Қашқадарё мармар ишлаб чиқариш бирлашмаси, Қарши ихтисослаштирилган қурилиш бирлашмасига қарашли қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган корхоналарни кўрсатиш мумкин.

Бу корхоналарнинг маҳсулоти асосан вилоят миқёсида истеъмол қилинди. 2000-йилда қурилиш материаллари ишлаб чиқариладиган корхоналар 106 млн. дона ғишт, 453,7 минг.м куб йиғма темир бетон буюмлари, 7,7 минг м куб ёғоч-тахта материаллари ишлаб чиқарди.

Қурилиш материалли саноат корхоналари 2000-йилда жами 93 млн. сўмлик маҳсулотлар тайёрланган. (саноат ялпи маҳсулотининг 77,4% и).

Енгил саноат вилоятнинг саноат тармоқлари ичида ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш жиҳатидан иккинчи ўринда туради. Ҳом-ашё, ёқилғи-энергетика ҳамда меҳнат ресурсларининг етарли даражада мавжудлиги вилоятда енгил саноатни ривожлантириш ва жойлаштиришга асосий таъсир кўрсатадиган омиллардир. Бу тармоқ корхоналари 2000-йилда 362,4 млн.сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарга бўлиб, унинг 73% и пахта тозалаш корхоналарига тўғри келади.

Қашқдарё вилоятидаги енгил саноат корхоналари қишлоқ хўжалик маҳсулотларига дастлабки қайта ишлов берадиган пахта тозалаш пиллакашлик тармоқлари ҳамда аҳоли ва халқ хўжалиги эҳтиёжлари учун кенг истеъмол моллари ишлаб чиқарадиган тармоқлардан иборат. 1990 – йилга қадар вилоятда Қарши Яккабоғ ва Шахрисабз пахта тозалаш заводлари мавжуд бўлиб, улар ҳар йили 65 минг пахта толаси ишлаб чиқарган.

Кейинги йилларда Қарши чўлининг ўзлаштирилиши пахта еэиладиган майдонларнинг кенгайтирилиши ва ялпи ҳосилнинг кўпайиши муносбати билан Косон, Ғузор, Қамаши, Жейнов, Чироқчи, Муғлон, Нишон ва Бешкент пахта

тозалаш корхоналари қурилди. Ҳозирги пайтда вилоятда 12 та пахта тозалаш заводлри ишлаб турибди. Бу корхоналарнинг асосий маҳсулоти пахта толаси бўлиб, вилоятда 2000-йилда тола ишлаб чиқариш 76,4 минг тоннани 2005-йилда эса 173,1 минг тоннани ташкил этади.

Қарши ва Шахрисабзтикувчилик фабрикалари, маҳаллий саноат мажмуасидаги кичик корхоналар аҳолига маиший хизмат кўрсатиш марказлари аҳоли учун кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқарадиган корхоналардир. Улар эркак ва болалар кўйлаги, ипак кийимликлар, эркак, аёл ва болалар кастюмлари тикишга ихтисослашган.

Китоб ва Яккабоғ шахарларидаги фабрикалар тўшак-кўрпачалар ва галантерия буюмлари мебел ва ёғочдан турли буюмлар ишлаб чиқармоқда. Китоб йигирув фабрикасида ип йигирилади, газламалар тўкилади. Бу корхоналарда 2001-йилда 95,8 млн сўмлик кенг халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқарилади. Туман ҳудудидан катта Ўзбекистон тракти ўтган.

## 1.2. Туризм-иқтисодий тараққиёт омили.

Мамлакатимизда туризм индустриясини янада ривожлантириш, хизмат кўрсатиш сифати ва самарадорлигини ошириш, юртимизга келаётган хўжалик сайёҳлар оқимини кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг “Туризм тўғрисида”ги қонуни, Президентимизнинг 2016 йил 2-декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирларри тўғрисида”ги фармони бу борада муҳим дастуриамал бўлмоқда.

Мазкур ҳужжатлар ижросига Қашқадарё вилоятида ҳам алоҳида эътибор қаратилиб ҳудудда туризимни янада ривожлантиришнинг яхлит контсептсиясини ишлаб чиқариш ҳудудларда янги туризм маҳсулотлари яратиш ва уни жаҳон бозорида тарғиб қилиш борасида оширилмоқда.

Соҳа ривожида халқаро тажрибадан кенг фойдаланиш, ҳудудларда янги туризм йўналишлари ташкил этиш ва уларни паспортлаштириш ички ва ташқи туризм бўйича миллий ва ҳудудий дастурлар ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга касб этади.

Вилоятда ҳудудий туристик маҳсулотларни хорижий бозорига чиқариш, табиий ва тарихий – маданий манзиллар бўйича янги сайёҳлик йўналишлари ишлаб чиқиш туристик хизматлар сифатини янада яхшилаш доимий эътиборда.

Шахрисабз шаҳрининг тарихий марказида барпо этилган замонавий уй-жойлар ҳунармандлар ва тадбиркорларга узоқ муддатли имтиёзли кредит асосида берилмоқда.

Икки қаватли бундай уй-жойларнинг биринчи қаватида ҳунармандлик маҳсулотлари сотиладиган сувда мажмуалари, иккинчи уй-меҳмонхоналари ташкил этилмоқда.

Экотуризмни ривожлантиришда Шахрисабз туманида қурилаётган “Village Eco Park” мажмуаси муҳим аҳамиятга эга. Машҳур лойиҳа мехмонхона, ресторан, кафе, спорт майдончалари ва аттракционларни ўз ичига олади. Мажмуа 2018-йилда фойдаланишга топширилади. Вилоятда туристик

ресурслрдан самарали фойдаланиш, кўратилаётган хизмат турларини кўпайтириш ва сифатини замон талабларига мослаштириш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз томонидан яртилган имконият ва имтиёзлар туфайли Қашқадарёда 30 та мехмонхона фолият кўрсатмоқда. Йилдан-йилга уларнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб замон талаблари даражасида юқори сифатли хизмат кўрсатиш имконияти кенгаймоқда.

Қашқадарё вилояти туризм соҳасини 2017-2018-йилларда комплекс ривожлантириш дастури асосида 2018-йилда вилоятдаги меҳмонхоналар сонини 45 тага етказиш режалаштирилган. Жумладан, Қарши Шаҳрида 8 та янги замонавий меҳмонхона, Шахрисабз шаҳрида 5 та уй-мехмонхонаси ва 2 та янги завонавий мехмонхона фаолият бошлайди. Буларнинг барчаси вилоятга келувчи сайёҳлар сонининг ортиши, энг муҳими аҳоли бандлиги таъминлаш ва келажакда Қашқадарё вилоятини сайёҳлар, тарихчи омилар ва зиёратчилар кўп келадиган севимли масканга айлантиришга хизмат қилади.

Ўзбекистоннинг сайёҳлик имкониятларини янада кенгайтириш, тадбирларда иштирок этиш туризмни ривожлантириш чет эллик сайёҳларни ушбу тадбирларга кўпроқ жалб этиш ҳамда маданий, этнографик, экологик, спорт ва бошқа турдаги тадбирларни ўз ичига олган сайёҳат дастурларини йўлга қўйиш мақсадида “Ўзбектоуризм” миллий компанияси томонидан 2016-йилнинг тадбирлар тавқими ишлаб чиқилмоқда.

Бугунги кунда ҳукуматимиз томонидан хусусий тадбиркорларга яратилаётган ҳуқуқий ва молиявий имтиёз ҳамда қулайликлар қаторига яна бир муҳим аҳамиятга эга бир соҳа ҳам киритилмоқда.

Президент қарорлари ва фармонлари:

1. “Буюк ипак йўлини қайта тиклашда Ўзбекистон Республикасининг иштирокини авж олдириш ва Республикада халқаро туризимни ривожлантириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида” 1999-йил 2-июн, ПФ-1162-сон.

2. “2005-йилгача бўлган даврда Ўзбекистонда туризимни ривожлантириш давлат дастури тўғрисида” 1999-йил 15-апрел ПФ-2286-сон.

3. “Ўзбекистонда туризм соҳаси учун малакали кадрлар тайёрлаш тўғрисида” 1999-йил 30-июн, ПФ-2332-сон.

4. “Ўзбекистон Республикасида 2006-2010-йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирларни тўғрисида” 2006-йил 17-апрел, ПҚ-325-сон.

5. “Ўзбекистон Республикасида 2010-йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2007-йил 21-май, ПҚ-640-сон;

6. “2012-2016-йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида” 2012-йил 10-май, ПҚ-1754-сон;.

7. “Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида”, 2012-йил 13-декабр, ПҚ-1879-сон.

8. “2013-2016-йилларда қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2013-йил 17-апрел, ПҚ-1957-сон.

9. “Давлат мулки обеъктларини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субеъктларига сотиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2014-йил 3-июл ПҚ-2200-сон.

10. “Ўзбекистон Ресбубликаси Президентининг айрим фармонларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”, 2014-йил 9-декабр ПФ-4677-сон.

11. “Ўзбекистон Ресбубликасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2016-йил 2-декабр, ПФ-4861-сон.

12. “Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантириш Давлат Қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2016-йил 2-декабр, ПҚ-2666-сон.

Жорий йилнинг 9-февралида Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда Ўзбекистон ошпазлар уюшмаси томонидан давра суҳбати ташкил этилди. Суҳбатнинг мавзуси Тошкент шаҳрининг гастрономик харитаси сайёҳлар учун овқатланиш тавсия этиладиган жамоат овқатланиш пунктлари, бир сўз билан

айтганда-ошхоналар ҳақидаги қулланмани яратиш Низоми лойиҳасини муҳокама қилишга қаратилди.

Туризм соҳаси тадбиркорлик субеъктлари билан самарали мулоқат олиб бориш, ҳал қилиниши зарур бўлган муаммо, аризаларни ва таклифларни ҳар томонлама кўриб чиқиш, уларни ўз вақтид ечим топиш мақсадида Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раисининг вертуал қабулхонаси ишга туширилди.

Соҳа мутахассислари фикрига кўра яқин йилларда экотуризм соҳаси талаб ва ривожланишнинг ўсиши бўйича туризмнинг етакчи йўналишларидан бирга айланиши тахмин қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 6-апрелдаги 28-70-сонли Қарори билан Усмонов Равшан Аброрович туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари лавозимига тайинланди. Шу кунга қадар Р.Усмонов Ўзбекистон Республикасининг Франция, Италия ва Португалиядаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси лавозимида фаолият юритиб келган.

Р.Усмонов Буюк Британиянинг Бирмингем университети, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ҳамда Тошкент давлат юридик университетларини тамомлаган.

Жорий йилнинг 11-апрел куни “Wyndham” мехмонхонасида Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантириш анжуманида давлат қўмитасининг “Дам олиш дунёси-2017” бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Март ойи давомида “Дунё бўйлаб” телеканали ижодкорлари Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан ҳамкорликда, сайёҳатсевар томошабинларимизга янги лойиҳаларни тақдим этиш мақсадида Самарқанд ва Хоразм вилоятларида “Завқли таътил” ва “Хуш келибсиз” кўрсатувлари тасвирга олиш ишларини олиб боришди.

## 1.3. Қуйи табиий-саноат тизими (Қарши-Косон-Нишон-Муборак-Касби-Миришкор туманлари).

Қарши тумани – Қашқадарё вилоятидаги туман, 1931-йил 1-октябрда ташкил этилган. Шимолдан Косон; шимоли-шарқдан Чироқчи; шарқдан Қамаши, Ғузор; жанубдан Нишон; Ғарбдан Касби туманлари билан чегарадош. Майдони 0,9 минг км$^2$ аҳолиси 177 минг киши (2005). Туманда 1 шаҳар (Бешкент), 15 та қишлоқ фуқаролари йиғини (Боғобод, Дашт, Ертепа, Кат, Кожар, Нукробод, Пахтакор, Поштон, Талликўрғон, Хонобод, Чороғил, Чўлибўстон, Қочин, Қоратепа, Ҳилол) бор. Маркази – Бешкент шаҳри.

Табити. Туман ҳудуди Қашқадарёнинг энг қуйи оқимидаги текисликда жойлашган ботиқлар ва шўрхоқлар бор. Туман ҳудуди орқали Қашқдарё ва унинг ирмоқлари, Файзиобод, Потрон-Бешкент ва бошқалар каналлар оқиб ўтади. Газнефт, қўнғиртош, шағал қазиб олинадиган конлар бор.

Иқлими континентал. Қиши илиқ. Январнинг ўртача температураси $0^0$, $2^0$. баъзан - $22^0$С, -27 $^0$С. Гача совуқ бўлиши мумкин. Ёзи иссиқ. Июлнинг ўртача температураси 28,8 $^0$С, энг юқори температураси 47 $^0$С. Температура $5^0$С дан юқори бўлган кунлар сони 284-289 кунни ташкил этади. Йиллик ёғин 190-220 мм. Тупроқлари унумдор кўз тупроқлардан иборт. Дарё водийсида ўтлоқ, аллювиал, Чароғил ботиғида шўрхоқ тупроқлар тарқалган. Ёввойи ўсимликлардан шўра, шувоқ, ёнтоқ, оққурай, коврак, қарғаоёқ, қамиш, шўражриқ, юлғун ва бошқалар ўсади.

Қарши тумани ҳудудида шамол йўналишини ўртача кўп йиллик қайтарилиши (%).

| Метеостанция | Флюгирнинг баландлиги | Sh | Sh-shq | Sh | J-shq | J | J.G’ | G’ | Sh.G’ |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Қарши тумани | 10 | 20,3 | 11,8 | 24,0 | 5,3 | 6,3 | 6,1 | 10,3 | 16 |
| | | 4,06 | 2,36 | 4,8 | 1,06 | 1,26 | 1,22 | 2,06 | 3,2 |

Ечиш: 1. Sh. 20,3:5=4,06, 2. Sh-shq 11,8:5=2,36, 3. shq.24,0:5=4,8;

4. J-shq. 5,3:5=1.06; 5. J. 6,3:5=1,26, 6. J.G’. 6,1:5=1,22, 7. 10,3:5=2,06; 8. Sh.G’ 16:5=3,2

Косон – Косон, Қарши туманининг шимолий – шарқий қисмига киради. Бу зонанинг атрофи очиқ, ери қисман қумли а типик бўз тупроқдир. Ғарб томонга ениш-текислик а кенг даштликлардан иборатдир. Иқлими қуруқ-иссиқ, ёз ойларида ва қумли чанг тузонлари тез-тез такрорланиб туради. Бу зонанинг экологияси атроф-муҳитнинг кўкламзорлиги, об-ҳавонинг сўлимлиги паст ҳисобланади. Чунки азалдан сув оз бўлганлиги туфайли яқин кунларгача дарахтзорлар сунъий кўкаламзорлар, боғ-роғлар жуда кам эди.

Косон туманининг яна ўзига хос хусусияти шундаки, унинг шимол томони ҳеч қандай тоғликлар билан тўсилмаганидир. Шунинг учун ҳам қишда шимолдан келадиган кучли совуқ оқим туфайли оби-ҳавоси 4-5 даража совуқ бўлади ва тез-тез изғиринлар эсиб туради. Ёзи иссиқ, июн, июл, август ойларида ўта иссиқ.

Маълумки, 1950-1960 йилларда шамол эррозиясининг олдини олиш ва қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил етиштириш учун Чироқчи, Қамаши, Ғузор, Косон чўл зоналарида экин майдонлари оралаб ўтказилган ихота дарахларининг кўпчилик қисми қуриб кетди ва аҳоли томонидан ўтинлик учун кесиб кетилди. Бу ҳоллар шамол эрозиясининг пасайишига ва экинлар унумдорлигининг камайишига жиддий салбий таъсир кўрсатди.

Шамол эрозиясининг кучайишига қарши қўлланиладиган тадбирларнинг етарли эмаслиги натижасида ер унумдорлиги, экинлар ҳосилдорлиги, интенсив ўсмаётганлигини қуйидаги мисоллардн ҳам билишў мумкин.

Бу келтирилган кўрсаткичлар шуни таъкидлайдики, фақат ихота дарахтзорларга эмас, балки ҳосил берадиган дарахзорлар ва узумзорларни кўпайтиришга ҳам жиддий эътибор берилмаган.

Боғзор ва узумзорларни кўпайтириш ва уни шу билан бир вақтнинг ўзида комплекс парваришлаш – бу зонанинг ҳам экологиясини яхшилайдиган, ҳам иқтисодиётини юксалтитувчи энг муҳим омилдир.

Косон туманининг ян ўзига хос хусусияти шундаки унинг шимол томони хеч қандай тоғликлар билан тўсилмагандир. Шунинг учун ҳам қишда шимолдан келадиган кучли совуқ оқим туфайли об-ҳавоси 4-5 даража совуқ бўлади ва тез-тез изғиринлар эсиб туради.

Косон тумани ҳудудида шамол йўқолишини ўртача кўп йиллик қайтарилиши (%).

| Метеостанция | Флюгирнинг баландлиги | Sh | Sh-shq | Sh | J-shq | J | J.G’ | G’ | Sh.G’ |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Қарши тумани | 11 | 23,5 | 12,3 | 14,0 | 10,0 | 8,7 | 5,8 | 7,5 | 18,2 |
| | | 4,7 | 2,46 | 2,8 | 2 | 17,4 | 1,16 | 1,5 | 3,64 |

Ечиш: 1. Sh. 23,5:5=4,76, 2. Sh-shq 13,3:5=2,46, 3. shq.14,0:5=2,8;
4. J-shq. 10,0:5=2; 5. J. 8,7:5=17,4 6. J.G’. 5,8:5=1,16, 7. 7,5:5=1,5;
8. Sh.G’ 18,2:5=3,64

Нишон тумани – қўнғир ва оқиш бўз тупроқликлардан иборатдир. Амударё сувининг келиши билн кейинги вақтларда бу зонада “ўтлоқи”, “шўрхаксимон” ерлар кўпаймоқда. Туманнинг об-ҳавоси бошқа зоналарга нисбатан 4-5 даража иссиқ ва кенг текисликлар, чўлликлардан иборатдир.

Амударё суви келгунига қадар асосан чорва яйловларидан иборат эди. 1973-йилдн бошлб бу зонага Касби канали орқали Амударё суви оқа бошлади. Натижада кўплаб қўриқ ерлар ўзлаштирилди, яйловларда пахтазорлар, мевазорлар ва қишлоқ хўжалик экинзорлари вужудга келтирилади.

Лекин сув келиши туфайли чўлда янги-янги савхозлрнинг брпо этилиши – одамларни иш билан таъминлашга ва уларнинг иқтисодий-ижтимоий жиҳатдан ўсишга ижобий таъсир кўрстади.

Туманга сув келиши билан қишлоқ хўжалик экин майдонлари кескин кўпайишига сабаб бўлмоқда.

Амударё суви келиши билан бу зонада янги туманлар ва кўплаб давлат хўжаликлари ташкил этилди. Давлат хўжаликлари ва пасёлкалрда қатор-қатор турар жойлар, мактаблар, болалар боғчалари маъмурий бинолар тиббиёт ва савод тармоқлари қад кўтарди.

Сув келиши шароити билан юқорида кўрсатилганидек турли хил қишлоқ хўжалик экинлари кўпайди ва дарахтзорлар боғ-рағлар барпо этилди.

Қурилган мелиоратив объктлар яъни ер остки ва ер устки коллекторларнинг сифатсизлиги, муҳандислар-ирригаторларнинг етарли малакага эга эмаслиги ер-сувдан тўғри фойдаланишга слбий таъсир кўрсатди. Айниқса ёпиқ коллекторларнинг сифатсиз қурилганлиги ер ости сизот сувларининг белгиланган даражадаги чуқурликдан оқиб ўтолмаслигигасабаб бўлди.

Нишонда худди шундай камчиликлар содир бўлди, яъни ернинг сув режими бузилди. Натижада кўплаб ерлар иккинчи марта шўрланишга яроқсиз ва унумсиз ерларга айлан борди. Яъни сув эрозиясига чалинди.

Юқоридаги фактлар ва рақамлардан кўриниб турибдики, қисқа муддат 5 йил давомида кучли шўрланган ерлар деярли 5 мартага кўпайган. Бу борада йўл қўйилаётган энг катта камчиликлардан бири ҳар бир гектар ерга бериладиган сув нормасининг тўғри аниқланмаслик ва ҳисоб-китобсиз яъни ер хусусиятларини яхши билмасдан эскича суғориш ишларини олиб боришдир. Хусусан, пахта майдонида узун ўқариқлар ва жўяклар олиниши ернинг табиий хусусиятига қарамасдан узоқ муддатли сиздириб суғориш бу борадаги илғор усуллардан ҳамон қониқарсиз ҳолда фойдаланиш яъни плёнкалар шланглар махсус қувурлар ишлатмаслик экин майдончаларнинг тезда ишдан чиқишига сабаб бўлмоқда. Текисликлар шуни кўрсатмоқдаги, 1 гектар суғориладиган ерларга нормдаги 6-8 минг метр куб ва ундан кам ортиқ сув берилмоқда.

Ер тузларини ювиш жараёнида эса экинлр учун энг керакли элементлар ювилиб, зовурларга чиқариб ташланмоқда.

Ернинг унмдорлиги беўлчов берилган сувнинг салбий таъсири натижасида пассайтирилмоқда, суғорма ерлар сув эрозиясига дучор бўлмоқда. Бу жойда “Ерни-ёмон сув бузади” деган халқимизнинг доно фикрини яна бир марта тасдиқланмоқда. Шуни учун ҳам депутатларнинг биринчи йиғилишида тупроқ мелиоратив ҳолатини яхшилашга, ер, шамол, сув эрозияларининг олдини олишга жиддий эътибор бериш зарурлиги қайд этилди.

Мелиорация бўйича миллиард-миллиард сўмлаб сарфланаётган маблағлар беҳудага кетаётганлиги қаттиқ танқид қилинди.

Ер ҳам худди шунингдек тирик организмдир.

Шунинг учун ҳм ҳар бир кегтр ернинг ва экилган экиннинг сувга бўлган эҳтиёжи илмий асосда ҳисобланиб суғорилса ер ҳам бузилмайди ва экинлар ҳосилдорлиги ҳам паст бўлмайди.

Акс ҳолда яъни ерга ҳаддан ташқари кўп сув берилса, ер шўрланади ва ўзидаги фойдали элементлар беҳудага ташқарига (зовурларга) чиқиб кетади. Шунингдек, ортиқча берилган сув ҳам экинларни эзиб, унга зарар келтиради ва бекордан – бекорга ташқарига чиқиб кетади. Бунда икки томонлама зарар кўрилади: ҳам ернинг унумдорлик элементлари ташқарига чиқиб кетади, ҳам сув тупроқни нуратиб, беҳудага нобуд бўлади.

Нишон тумани ҳудудида шамол йўналишини ўртача кўп йиллик қайтарилиши. (%).

| Метеостанция | Флюгирнинг баландлиги | Sh | Sh-shq | Sh | J-shq | J | J.G’ | G’ | Sh.G’ |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Нишон тумани | 16 | 9,1 | 26,8 | 27,2 | 2,8 | 3,3 | 14,3 | 12,8 | 3,9 |
| | | 1,82 | 5,36 | 5,44 | 0,56 | 0,66 | 2,86 | 2,56 | 0,78 |

Ечиш: 1. Sh. 9,1:5=1,82

2. Sh-shq 26,8:5=5,36,

3. shq. 27,2:5=5,44;

4. J-shq. 2,8:5=0,56.

5. J. 3,3:5=0,66

6. J.G’.  14,3:5=2,86,

7. 12,8:5=2,56

8. Sh.G’ 3,9:5=0,78

Муборак тумани – Қашқадарё вилоятидаги туман. 1978-йил 13-сентябрда ташкил этилган. Ғарбда бухоро вилояти, шимолда Навоий ва Смарқанд

вилоятлари Шарқда вилоятнинг Косон тумани, жанубида Ксби ва Миришкор туманлари билан чегарадош. Майдони 3,07 минг км$^2$.

Аҳолиси 62 минг кишига яқин (2003). Туманда 4 қишлоқ фуқролар йиғини (Муборак, сариқ, Қарлуқ, Қорақум) 1 шаҳар (Муборак) бор. Туман маркази – муборак шаҳри.

Муборакда 30 та умумий таълим мактаби, саноат касб-ҳунар мактаби, 9 та кутубхона, 3 та клуб, 2та ёшлар клуби, ёшлар спорт мажмуаси теннис корти, марказий стадион ва футбол майдонлари бор. “Машъал” футбол жамоаси республиканинг олий табақасида қатнашади.

Табиати. Туман Қашқадарёнинг қуйи қисмида, Қарши чўли зонасида жойлашган. Ер усти текислик, адир ва қирлардан иборат. Баландлиги 450-550 м. Ёзи узун ва иссиқ июлда температура 42$^0$С гача кўтарилади. Январда энг паст температура - 27$^0$С, ноябр ўрталарида ҳаво совийди ва намгарчилик бошланади. Йиллик ёғин 190-200 мм. Вегетация даври 270-280 кун. Туман ҳудудидан Қашқадарё оқиб ўтади. Аҳолиси асосан ўзбеклар, шунингдек, рус, туркман, татар, арман, украин, азарбайжан ва бошқа миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолисининг ўртача зичлиги 1 км$^2$ га 20 киши тўғри келади. (2003).

Муборак тумани ҳудудида шамол йўналишини ўртача кўп йиллик қайтарилиши. (%).

| Метеостанция | Флюгирнинг баландлиги | Sh | Sh-shq | Sh | J-shq | J | J.G’ | G’ | Sh.G’ |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Муборак | 11 | 23,5 | 12,3 | 14,0 | 10,0 | 8,7 | 5,8 | 7,5 | 18,2 |
| | | 4,7 | 2,46 | 2,8 | 2 | 17,4 | 1,16 | 1,5 | 3,64 |

Ечиш: 1. Sh. 23,5:5=4,7

2. Sh-shq 12,3:5=2,46,

3. shq. 14,0:5=2,8

4. J-shq. 10,0:5=2.

5. J. 8,7:5=17,4

6. J.G’.  5,8:5=1,16,

7. 7,5:5=1,5

8. Sh.G’ 18,2:5=3,64

Касби тумани – Қашқадарё вилоятидаги туман. 1970-йил 16-октабрда ташкил этилган. Касби тумани вилоятининг ғарбида жойлашган. Қарши, Косон, Нишон, Миришкор, Баҳористон, Усмон Юсупов туманлари билан чегарадош.

Майдони 0,65 минг км$^2$. аҳолиси 127,6 минг киши (2000). Касби туманида 10 та қишлоқ фуқаролари йиғини (Денов, Комилон, Муғлон, Тошқўрғон, Човқай, Чўлқувар, Юксалиш, Янгиҳаёт, Қамаши, Қатағон) бор. Маркази Муғлон қишлоғи.

